

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ кафедраси

КУРС ИШИ

**Мавзу: “Мерос” халқаро илмий амалий экспедиция
хайрия жамғармаси фаолияти**

Бажарди:

3 “И” гуруҳ талабаси **Мамасолиев Фарҳод**

Қабул қилди:

кат.ўқ.: **Т.Хамраева**

Андижон - 2010

МАВЗУ: “Мерос” халқаро илмий - амалий экспедиция хайрия жамғармаси фаолияти

РЕЖА:

КИРИШ

**1. “МЕРОС” ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА УСТАВИ**

**2. ЖАМҒАРМА РАИСИ ПРОФ.Р.Т.ШАМСУТДИНОВНИНГ
ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ**

3. ЖАМҒАРМА ТОМОНИДАН НАШР ҚИЛИНГАН АСАРЛАР

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида юртимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб машъум хатарларни неча бор кўргани, уларнинг жабру-жафосини тортганини қуйидагича таъкидлайди: “Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган”¹.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг совет режими давридаги тарихининг оғир ва фожиали саҳифаларидан бири XX аср 20-30 йилларидаги қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва шу асосда қулоқлаштириш, қулоққа тортилган деҳқонларни отувга ҳукм этиш, сургун қилиш ва уларнинг сургундаги оғир ҳаёти масалаларидир. Бу жараёнда ўзбек халқи ўз бошидан мислсиз азоб-уқубатларни кечиришга мажбур бўлди. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг катта қисми уй-жойидан ва бутун мулкидан маҳрум қилиниб, қамоққа олинди, узоқ бегона юртларга сургун этилди, концентрацион лагерларга ташланди. Уларнинг аксарияти Сибир, Узоқ Шарқ, Урал, Қozoғистон, Ўрта Осиёдаги ГУЛАГ ва меҳнат тузатув лагерларида ҳалок бўлди.

2001 йилда Андижонда ташкил этилган “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси айнан ана шу масалаларга бағишланган материалларни, архив ҳужжатларни, эсдалик ва хотираларни топиш ва илмий истеъмолга кириш ишлари билан шуғалланиб келмоқда.

4. “МЕРОС” ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА УСТАВИ.

“Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси 2001 йилда Андижонда ташкил қилинган. Бу жамғарманинг асосий вазифаси Чор Россияси ҳамда Совет ҳукумати даврида амалга оширилган сиёсатлар, асосан коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, “Катта террор” масалаларига оид маълумотларни тўплаш, илмий таҳлил қилиш ва илмий истеъмолга киритишдан иборат.

Шу муносабат билан жамғарма, унинг раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек Темирович Шамсутдинов раҳбарлигида Россия, Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қozoғистон, шунингдек Ўзбекистоннинг барча вилоятлари бўйлаб экспедициялар амалга оширилган. Бу экспедициялар натижасида бир қатор давлат архивлари билан бир қаторда “маҳфий” архивлардаги ноёб ҳужжатлар қўлга киритилган ва улар асосда ўнлаб асарлар, ҳужжатлар ва материаллар тўплamlари яратилган.

“МЕРОС” ЖАМҒАРМАСИНИНГ УСТАВИ

1. Умумий қоидалар.

1.1 “Мерос” илмий-амалий халқаро экспедиция хайрия жамғармаси (бундан буён “Мерос” жамғармаси деб юритилади) Чор Россияси ва совет мустамлакачилиги даврида қатағон қилинган, “қулоқ” тамғаси билан ўз она-юрти, молу-мулки, қому-қариндошларидан жудо қилиниб қатағон этилган ватандошларимиз, Ватан истиқлоло, халқимиз эрки ва озодлиги учун оғир курашга шаҳид кетган фидойилар қолдирган

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. – Б.4.

маънавий мерос-турли ёзма тарихий ҳужжатлар, чоп этилган асарлар, эсталикларни суратларни йиғиш, жамлаш, тизимга келтириш ва нихоят уларни ҳалқимизга етказиш бўйича жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган мустақил нодавлат ҳайрият ташкилотидир.

1.2. “Мерос” жамғармаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодекси ва амалдаги бошқа қонунлар ҳамда ушбу Устав асосида амалга оширади.

1.3. “Мерос” жамғарма мустақил нодавлат ташкилот сифатида ўзини-ўзи бошқаради ва Ўзбекистон ҳудудида ҳамда хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатади.

1.4. “Мерос” жамғармаси эридик шахс сифатида банк муассаси ҳисобот рақамига, ўз муҳри, рамзи ва иш қоғозларига эга бўлади.

1.5. “Мерос” жамғармаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида расмий ҳайрия нодавлат ташкилот сифатида фаолият кўрсатиши даврида уни моддий ва маънавий жихатдан қўллаб-қувватловчи юридик ҳамда жисмоний шахслар учун очикдир.

II “Мерос” жамғармасининг асосий мақсад ва вазифалари.

2.2. Жамғарманинг асосий мақсади:

Аввалига Чор Россия мустамлакачилиги кейин эса мустабид шўролар сиёсатидан жабрланиб катағонликлар қурбони бўлганлар, ўзбеклар диёри эрки ва озодлиги, мамлакатимиз мустақиллиги ва миллий тараққиёти учун курашда шахид кетган ватандошларимизнинг маънавий меросини, бу мероснинг хилма-хил шакллари ҳужжатли-ашёвий, илмий-ижодий, бадий-публицистик асарлар, эсталиклар шаклида қолдирган меросини излаб топиш, ўрганиш шу мақсадда турли экспедициялар уюштириш, изланишлар самараси ўлароқ тўпланган ноёб тарихий ҳужжатлар, эсталиклар ва бошқа ёзма асарларни жамлаб чоп эттириб, эсдаликлар ва бошқа ёзма асарларни жамлаб чоп эттириб, ҳалқимизга етказиш ва шу билан Ўзбекистоннинг мустақиллигининг маънавий заминини мустаҳкамлаш, ҳалқимиз, айниқса ёш авлодни миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини уларнинг онгига сингдириш, шу ғоялар руҳида уларни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

2.2. Жамғарманинг асосий вазифалари:

-Катағон қурбонлари-“қулоқ” тамғаси билан таҳқирланиб собиқ иттифокнинг турли минтақалари- Сибирь, Узоқ Шарқ, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистон, Украина каби олис, ёт ўлкаларга бедодлик билан бадарға қилинган ҳамюртимиз, шунингдек Ватанимиз тарихининг энг маъшум босқичи қўшмустамлакачилик даврида ҳалқ эрки ва озодлиги, ўлка истиқлоли ва истиқболи учун фидокорона курашган ва шу йўлда шахид бўлган хориждаги ватандошларимиз қолдирган маънавий меросни ўрганиш, тиклаш, жамлаш ва ҳалқимизга етказиш билан шуғилланувчи жамоат ташкилотлари ва айрим тадқиқотчиларга ҳайрихоҳлик билдириш ва уларни қўллаб қувватлаш;

-қўшмустамлакачилик даври қурбонлари, ва шўроларнинг қулоқлаштириш сиёсати қурбонлари бисотида бўлган ва уларнинг қариндош-уруғлари ихтиёрида сақланиб қолган тарихий ёзма фактлар ва ҳужжатларни, эсдаликларни излаб топиш, ўрганиш ва тадқиқот натижаларини илмий адабиётлар сифатида чоп эттириб кенг оммага етказиш;

-мустамлакачилик сиёсатининг қурбони бўлиш хавфи туфайли она юртни тарқ этиб, хорижий ўлкаларда муҳожирликда яшашга мажбур бўлган ватандошларнинг ўша маъшум катағон ва қувғинлар даври фожеалари ... ҳақидаги эсдалик ва хотираларни қоғозга тушириб, адабиётлаштириш;

-уларнинг хориждаги ҳаёти, фаолиятга доир манбалар, тарихий ҳужжатлар ва бошқа ёзма материалларни излаб топиш, тартибга келтириш ва муайян жанрда чоп эттириб ҳалққа етказиш;

-ҳалқ ва ватан озодлиги, эрки ва истиклоли йўлида фидойилик қилиб, миллий мустақиллик ҳаракатида фаол иштирок этган ва шу йўлда шаҳид кетганларнинг кейинги авлодлар учун ибратли маънавий-амалий мероси намуналарини ҳар томонлама ўрганиш, уларни жамлаш, муайян таҳлилий тадқиқотлар яратиш, уларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиш ишига муносиб ҳисса қўшиш;

-ҳалқ икки тоифадаги катагон қурбонлари, жумладан машъум кулоклаштириш сиёсатининг қурбонлари ва истиклолчилик ҳаракати фаол иштирокчилар сифатида шаҳид бўлганларнинг маънавий-тарихий мероси қиёфаси тиклаш масалалари, уларнинг ҳаёти ва фаолдиятини ўрганиш, излаб топиш, муайян тизимга келтириш, ҳалқимизга етказишга бағишланган минтақавий, республика ва ҳалқаро илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари ва кечалар ўтказиш;

-шу долзарб ҳайрли мавзуга доир хориждаги турли ҳужжатгоҳ, кутубхона, музей ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда айрим ватандошлар бисотида сақланиб келаётган ноёб тарихий ҳужжатлар, илмий-оммавий асарлар ва бошқа ёзма манбаларни илмий экспедициялар уюштириш орқали излаб топиш, чин Ватанга қайтариб келиш;

III. Жамғарманинг ҳужжатлари.

3.1. Жамғарма бошқаруви юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, банкда миллий валюта ҳисоб рақами эга бўлади

3.1. Жамғарма ўз маблағлари ҳисобига тўпланган ахборот банкка эгалик қилади, нашр этилган рисола ва китоблари ва бошқа амалга оширилган тадбирлардан тушган маблағлар ўз мақсад ва вазифаларини адо этиш йўлида фойдаланади.

3.3. Жамғарма юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик ҳисобидаги кичик корхона, фирма ва тижорат дўкони ташкил қилиши мумкин.

3.4. Жамғарма махсус рухсатнома орқали ўз илмий тадқиқот, ижодий фаолият маҳсулотлари нашр қилиш мумкин.

3.5. Жамғарма бошқа жамоалар билан хўжалик-тадқиқот ва нашрчилик муносабатларини нашрномавий асосда олиб боради.

3.6. Жамғарма ўз дастурини (тадқиқот-нашрчилик режасини) амалиётда рўёбга чиқариш учун маблағ топиш мақсадида қонунда белгиланган тартибда... нашрлик фаолияти билан шуғилланиши мумкин.

2. ЖАМҒАРМА РАИСИ ПРОФ.Р.Т.ШАМСУТДИНОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ¹

Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг мудир, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, “Мерос” илмий-амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси раҳбари, “Бобур” номли халқаро экспедицияси аъзоси, устоз Рустамбек Темирович Шасутдинов Марказий Осиёнинг инқилобдан кейинги тарихи бўйича йирик мутахассис, республикадаги етакчи тарихчи олимларидан бири ҳисобланади. Олимнинг 46 йиллик меҳнат фаолиятининг 43 йили таълим соҳасига бағишланган. 1966 йилдан буён Андижон давлат университети(илгари институти)да фидокорона ва самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Р.Т. Шамсутдинов 1939 йил 1 майда Андижон шаҳрида туғилган. Андижондаги 30 сонли ўрта мактабда, сўнг Жалолобод шаҳридаги 2-сон ўрта мактабда таълим олди. 1959-1963 йилларда Самарқанд давлат университети тарих факультетини тамомлади.

1967-1970 йилларда Москвадаги Собиқ Иттифок ФА Тарих институти аспирантурасида ўқиб, 1971 йил 4 мартда проф. И.Б.Берхин илмий раҳбарлигида “Революционные комитеты Советского Туркестана (1918-1923гг.)” мавзуида номзодлик, 1987 йил 7 декабрда академик Ю.А.Поляков илмий раҳбарлигида “Становление и

¹ Ушбу маълумотлар Б.Расулов, Қ.Бозоров, Х.Қурбоновлар томонидан ёзилган “Илмга бахшида умр. (проф. Р.Т.Шамсутдинов асарлари библиографияси)” номли рисоладан олинди. – Тошкент: Шарқ, 2009.

развитие Советов в Средней Азии (1917-1925 гг.): проблема общего и особенного” мавзусидаги докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Профессор Р. Шамсутдинов республикамизда биринчилардан бўлиб “Ўзбекистон тарихи” кафедрасини ташкил этди ва бу кафедранинг бир неча йиллар мобайнида бошқарди. Кафедра қошида Ўзбекистон тарихи ихтисослиги бўйича аспирантура, кейинчалик докторантура ташкил этилишининг ташаббускори бўлди.

1993-1998 ва 2005 йилларда университет қошида Ватан тарихи мутахассислиги бўйича фан номзоди илмий даражаси учун диссертация ҳимоя қилинадиган ихтисослашган кенгаш ташкил қилиб, раислик қилди.

У кўплаб шогирдлар етиштирди. Унинг раҳбарлигида 5 номзодлик, ўнлаб магистрлик диссертациялари ва бакалаврлик ишлари тайёрланди. Раҳбарлик қилган талабалардан 2 нафари 2007, 2008 йилларда фан олимпиадаси ғолиби деб топилди. 10 га яқин докторлик ва номзодлик диссертацияларига расмий оппонентлик қилди, ҳозирда 3 та докторант, 3 та аспирант, 5 та тадқиқотчи, ўнлаб магистрант ва бакалаврларга илмий раҳбарлик қилмоқда.

Олим ижодида темурийлар, Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш алоҳида ўрин тутди. У “Бобур” халқаро илмий экспедиция таркибида Эрон, Туркия, Сурия, Иордания, Саудия Арабистони, Бирлашган араб амирликлари, Покистон, Афғонистон ҳудудларида илмий сафарда бўлиб, буюк аجدодларимизнинг маънавий меросини ўрганиш ва ўзлаштириш, тарихий ҳақиқатни қайта тиклаш борасида ибратли ишлар қилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг совет даври тарихи доирасида мисли кўрилмаган тадқиқотлар, илмий янгиликлар, амалий ютуқларни қўлга киритди. Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш, “қулоқ”лаштириш, сургун, айниқса 1937-1938 йиллардаги “Катта террор” муаммоларига оид дарслик, ўқув қўлланмалари, монографик тадқиқот ва рисоалар дунё юзини кўрди. Айниқса, “Қишлоқ ғожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида)”, “Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг ғожеали оқибатлари”, “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар”, уч жилдди “Ватан тарихи” дарслиги, уч жилдди “Ўрта Осиё қишлоғи ғожеаси: коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун. 1929-1956 йй.” ва кўп жилдди “Репрессия. 1937-1938гг. Хужжатлар ва материаллар”. (5 - жилди нашрга тайёрланмоқда). каби ўнлаб китоблари нафақат Ўзбекистон ёки Ўрта Осиё балки, дунё олимлари назаридан четда қолмади. Бу ва бошқа тадқиқотларга бағишланган юзлаб тақризлар, ташаккурномалар эълон қилинди.

Таниқли олим чор Россияси ва совет даври тарихшунослигида, коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, “Катта террор” йўналиши муаммоларини тадқиқ этувчи ўзига хос “Андижон мактаби”га асос солди. Ушбу “мактаб”да таълим олаётган аспирант ва тадқиқотчилар нафақат Андижондан, балки Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ёшларидан иборат эканлиги ҳар қандай устозни қувонтирса керак, албатта.

Ўз тадқиқотларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, Марказий давлат архиви, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги архивлари ҳужжатлари билан кифояланиб қолмай, айни вақтда, Москва, Киев, Одесса, Херсон, Голопристан, Остона, Қарағанда, Олма-ота, Кокчетов, Шортандин, Бишкек каби 30 дан ортиқ давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлардан кенг миқёсда фойдаланди.

“Мерос” илмий-амалий экспедиция халқаро хайрия жамғармаси (2001 йилда ташкил этилган) раҳбари сифатида республикаимизнинг барча вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб, шогирдлари билан илмий сафарлар уюштирди. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари юзасидан қатағон бўлган юртдошларимизни аниқлаш, табарруқ номларини тиклаш, абадийлаштириш мақсадида амалга оширилган бу каби илмий сафарлар натижасида қўлга киритилган маълумотлар, хотиралар ва эсдаликлар жамланиб, монографиялар яралишида хизмат қилди. Ҳозирда ушбу жамғарма фондларида чет эл ва республикаимизнинг номдор архивларидан

тўпланган ўнлаб фондлар ва минглаб китоблар жамланган. Олимнинг шахсий кутубхонасида дунёнинг беш қитъасидан тўпланган ноёб адабиётлар борки, уларнинг қиммати ва қиймати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

2008 йилда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг қайта таъмирланиши, кенгайтирилиши жараёнида проф. Р.Шамсутдинов ўзининг шогирдлари билан иштирок этиб, музей экспонатларини бойитиш учун кўплаб манбалар, архив ҳужжатлари, аудио ва видео материаллар, суратлар, эсдалик ва хотираларни тақдим қилди.

Илмий фаолияти давомида 4 та дарслик, 30 дан зиёд монография, ўқув қўлланма, 400 дан ортиқ илмий мақолаларга муаллифлик қилди. Унинг газета ва журналлар, телевидение, радио орқали маънавий-маърифий, илмий, ўқув соҳаларда олиб бораётган тарғиботчилик фаолияти кенг жамоатчиликка маълум. У таниқли олим ва муаллимдир.

1994 йилда туркий дунё тарихчиларининг халқаро конгрессини ўтказиш ташкилий қўмита ишида олимнинг фаол иштироки ҳамда анжумандаги маърузаси юқори баҳоланди. Эндиликда Р.Шамсутдинов нуфузли халқаро илмий конгресслар ҳамда Шимолий Каролина (АҚШ), Кембриж (Буюк Британия) халқаро биографик институтлари ҳайъати аъзоси. 1997 йилнинг 7-14 сентябрида Оксфорд халқаро конгрессида қатнашган ва Кембридж биографик Маркази томонидан зафар қучган олим сифатида медал билан тақдирланиб, дунёнинг “омадли 500 кишиси” рўйхатидан жой олди.

Москва, Таллин, Рига, Львов, Киев, Полтава, Боку, Тошкент, Самарқанд, Хива, Бишкек, Душанбе, Ўш, Анқара, Деҳли каби шаҳарларда ташкил қилинган халқаро илмий конференцияларда ўз мақолалари билан иштирок этиб, Кембридж, Оксфорд, АҚШдаги Шимолий Каролина ва Индиана, Москва, Бонн, Анқара, Деҳли, Мозори, Шариф унверситетларининг таниқли олимлари билан яқиндан илмий алоқа ўрнатди.

Олим ташаббуси билан АДУ тарих факультети қошида ёшларни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш, миллий тарихимиз билан қуроллантириш, тарихий онг, тарихий тафаккурни шакллантириш, фан чўққиларини эгаллашга кўмаклашувчи “Истиқлол ва миллий тарих” номли илмий семинар ташкил этди ва самарали фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилмоқда.

Тарихнинг ҳасратли саҳифаларини, маънавият сарчашмаларини ёритувчи “Мулоқот” ва “Гулистон” журналларининг таҳририят ҳайъати аъзоси. 1990-1995 йилларда Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати.

Проф. Р.Т.Шамсутдинов “Илм йўли – кенг ва ёруғ йўл эмас, балки у баланд-пастлик, ўнқир-чўнқир, тошлоқликлардан иборатдир. Кимда-ким ушбу йўлни бардош ва шараф билан босиб ўтса –ҳақиқий илмли ва комил инсон бўлиб етишади.”, - деган сўзларни такрор-такрор таъкидлаб, шогирдларига янгидан-янги илму-урфон кираларини ёритишда машъал мисолидир.

“Инсонларнинг энг яхшиси инсонларга кўпроқ фойдаси тегадиганларидир” ҳадисини ҳаётининг мазмунига айлантирган устоз Андижон давлат университетининг шаклланишида, профессор-ўқитувчиларининг бир жону – бир тан бўлиб фаолият кўрсатишларида, таълим – тарбия, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий масалаларда, турли йиғинлар ва анжуманларда, айниқса, келажак авлодни ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишида соябон ва ташаббускор бўлиб, фидокорона меҳнат қилмоқда.

Рустамбек Шамсутдинов шаҳар жой-номлар комиссияси раиси сифатида кўча ва хиёбонлар номларини миллий истиқлол мафкураси, ғояси руҳида қайта номлашда, ўзи яшаб турган маҳалла ва университет ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда ҳам ибрат кўрсатмоқда.

Ажойиб оила бошлиғи, камтарин инсон, жонқуяр олим, мураббийлик маҳорати ва илмий ижодкорлик қобилияти билан республикамиз зиёлилари орасида ҳурматга эга. Қарийб 50 йилдирки турмуш ўртоғи Фотимахон ая ва домла 1 қиз 6 ўғил фарзандларни тарбиялаб, вояга етказиб, барчасини юрт фаровонлиги ва жамият тараққиёти йўлида

меҳнат қилишга сафарбар этдилар. Уларнинг 30 дан ортиқ набира, 6 нафар чеваралари бор.

Фидойи олим ўқитишнинг замонавий ахборот технологиялари воситаларидан (ўқув қуроллар, дисклар, слайдлар, кассеталар, тарихий фильмлар) илғор педагогик технологиянинг ақлий ҳужум, баҳс-мунозара, дебат, савол-жавоб ва бошқа усуллардан кенг фойдаланиб миллий истиқлол ғояси тамойиллари билан уйғун боғлаган ҳолда талабаларга таълим-тарбия бермоқда.

Олимнинг саъй-ҳаракатлари ҳукумат раҳбариятининг назаридан четда қолмади. “Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвонига сазовор бўлди (1991 йили 28 майда).

Илм йўлида кунларни тунларга, тунларни тонгларга боғлаб табарруқ 70 ёшда ҳам тинмай изланишда бўлиб, ибрат ва жасорат кўрсатмоқда.

3. ЖАМҒАРМА ТОМОНИДАН НАШР ҚИЛИНГАН АСАРЛАР.

«Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси билан Ўзбекистоннинг Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари бўйлаб 3 марта уюштирилган илмий сафар давомида Шимолий Кавказ сурғунида бўлган бир қанча «собик қулоқлар» ва уларнинг фарзандлари, яқинларининг ёзма ва оғзаки эсдаликларини олишга муяссар бўлинди. Бу ёрдамчи манбалар мавзунинг қатор қирраларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этди. Бу ўринда каттакўрғонлик Эгамназар Ражабов, Қори Муҳаммад Расулов, Адолат Рустомова, Муаллимаҳон Худойбердиева, Хосиятхон ҳожи Ёрмухамедова, Зиёда Худоёрова, бухо-ролик Исоқ Мардонович Мардонов, Бешимбобо Авезов, Ширинхон Паноева (Ўринова), когонлик Ҳамробиби Азизова, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани Толибарзу қишлоғилик Марҳабо Эшонқулова, Оғалик қишлоғилик Асрор Қурбонов, Пойариқ тумани Чопорошли қишлоғилик Абдурахмон Тоштемиров, Нарпай тумани Пускарон қишлоғилик Абдуғаффор Юсупов, Сурхондарё вилояти, Кўмкўрғон тумани Боғори маҳаллалик Рўзибой Оллоёров, «Беш қаҳрамон» ширкат хўжалиги Ҳайдар Баротов кўчаси 39-уйда истиқомат қилаётган 85 ёшли Лолабиби Қурбонназаровалар эсдаликлари диққатга сазовордир.

Бу маълумотлар асосида “Шимолий Кавказ сурғунидаги юртдошлар қисмати” (Р.Шамсутдинов, А.Мамажонов. –Тошкент: Шарк, 2005.)

2009 йилнинг август ойида “Мерос” жамғармасининг Шимолий Қозоғистоннинг Оқмула, Шортандик, Қарағанда, Остона каби ҳудудларга қилган илмий сафари натижасида ўнлаб архив ҳужжатлари, ноёб адабиётлар ва материаллар тўпланган. Улар асосида диссертация ва монографиялар яратилди. Шулардан бири “Шимолий Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати” (Р.Шамсутдинов, М.Акбарова. – Тошкент: Шарк, 2009 йил.).

Бундан ташқари Репрессия 1937 - 1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 1. (Сост: Р.Шамсутдинов, Н.Каримов, Э.Юсупов). – Ташкент: Шарк, 2005

Китобга киритилган архив ҳужжатлари 1993-2000 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати архиви, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Россия Федерацияси Федерал хизмат бюроси марказий архиви, Россиянинг ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви, Андижон: Фарғона, шунингдек Украинадаги Херсон, Николаев вилоятларининг турли архивлари фондларидаги материаллардан олинган. Бундан ташқари Москвада чоп этилган баъзи тўпламлардаги айрим ҳужжатлар ҳам танлаб киритилган.

Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. (шоғирдлар билан ҳаммуаллифликда). - Тошкент: Шарк, 2006.

Ушбу китоб XX аср Ўзбекистон тарихининг муҳим саҳифаларидан бирини аср бошларидаги тараққийпарварлик ҳаракати, шу ҳаракат иштирокчиларининг миллий мустақиллик йўлида олиб борган фаолияти, 1918 йилда Туркистон мухторияти

ҳукуматининг тор-мор келтирилиши билан билан Туркистонда бошланган совет режимига қарши қуролли ҳаракат, шунингдек, 30-50 – йиллардаги қатағон воқеалари ташкил этади. Ушбу китобдан ўрин олган мақолалар ана шу муҳим тарихий воқеаларнинг илмий талқинига бағишланган.

Ушбу китоб Муқаддима, тўрт бўлимдан иборат бўлиб 26 та мақолани ўз ичига олади.

Ушбу китобда “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармасининг Украина, Шимолий Кавказ, Москва, Ўзбекистон архивларида материаллар асосида ёзилган талайгина мақолаларда сургун сиёсатлари, унинг механизмлари, сургундагиларнинг қисмати, қулоқларнинг такроран қатағон қилиниши қа қатағон даҳшатлари ҳақидаги материаллар илмий истеъмолга киритилган. Айниқса, Бадарға қилинган юртдошлар, Бутовада дафн этилган юртдошлар ва уларнинг фаолиятлари, улар ҳақидаги маълумотлар суратлар асосида берилганлиги, китобнинг илмий қийматини янада ошишига хизмат қилган.

Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы материалы. Том 1 (под ред. Д.Н.Алимовой. Сост: Р.Шамсутдинов, Б.Расулов). – Тошкент: Шарқ, 2006.

Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август-5ноябрь). Иккинчи китоб. - Т.: Шарқ, 2007.

Китобда 1937 йил 10 август - 5 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги учлик (тройка) йиғилишларининг протоколлари келтирилган. "Қатағон даҳшатлари" деб номланган биринчи боб китобнинг ўзига хос сўз бошиси бўлиб, унда совет режими 1937-1939 йилларда республикада амалга оширилган Қатағон сиёсатининг бутун даҳшатлари очиқ берилган.

Ватанимиз ўтмишидан. - (шо-гирдлар билан). Андижон, 2007.

Репрессия 1937-1938гг. Документ-ы материалы. Выпуск - 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана, 1937 год, ноябрь. (Сост: Р.Т.Шамсут-динов, Э.Ю.Юсупов, А.Мамажонов, Э.П.Дусматов). - Ташкент: Шарқ, 2007г.

Китобдаги маълумотлар 1937 йил ноябрь ойига тегишли бўлиб, унда Ўзбекистон ССР НКВД ҳузуридаги Тройка (учлик)нинг 33-37, 43-мажлисларининг протоколлари (баённомалари) мавжуд. Бу ҳужжатлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивидан олинган, Китобга киритилган атиги олти та баённома матнидан шуни англаб олиш мумкинки, 1937 йил ноябр ойида Ўзбекистонда совет режимининг қатағон сиёсати ўзининг юқори чўққисига чиққан. Бир ой ичида минглаб бегуноҳ, ватандошларимиз қатағон қиличи тифидан қурбон бўлишган

Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. (Сост: Р.Т. Шам-сутдинов, Э.Ю.Юсупов, С.Хошимов, Э.Дусматов). – Андижан: Универси-тет, 2007 г.

Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талқинлар. – Андижон: Университет, 2007.

Репрессия 1937-1938 гг. Документы материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана, 1937 год, декабрь. (Сост: Р.Т.Шамсутдинов, М.Абдуллаев, Э.Дўсматов, Х.Қурбонов). – Ташкент: Шарқ, 2008.

Бу асар материаллари 1937 йил декабрь ойига оид бўлиб, унда катта террорнинг Ўзбекистондаги қурбонлари хусусида сўз боради. Ушбу тўпلامдан ЎзССР НКВД ҳузуридаги Тройканинг 1937 йил 1-27 декабрдаги 44-65 мажлисларининг протоколлари ўрин олган бўлиб, бу ҳужжатлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивидан олинган. Хуллас, репрессия ҳақидаги ҳужжатлар киритилган тўртинчи китобдаги 22 та протоколда республикада маъмурий органлар томонидан фақат бир ой 1937 йил декабрда амалга оширилган мудҳиш хунрезликлар ўз аксини топган.

Андижон тарихидан лавҳалар. (шогирдлар билан ҳаммуаллифликда). – Андижон: Андижон нашриёт матбаа, 2008

Қатағон қурбонлари. Хотира (Бухоро вилояти). (Э.Дўсматов, Х.Қурбонов билан ҳаммуаллифликда). – Бухоро, 2009. ва бошқлар шулар жумласидан.

ХУЛОСА

Ўз ўтмишини, миллатининг тарихини билиш ҳар бир yurtдошимизнинг ички маънавий эҳтиёжига айланиб кетгани равшан. Бу эҳтиёжни қондириш Ўзбекистон тарихчилари янги авлодининг муҳим ва долзарб бурчи бўлиб қолди ҳамда улар мустақиллик йилларида шу йўлда эътиборга лойиқ ишларни амалга оширдилар ва оширмоқдалар.

Халқимиз, энг аввало, ёш авлод онгида миллий истиклол ғояси ва мафкурасини шакллантириш, улар маънавиятини юксалтиришда, уларни оташин ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда Ўзбекистон тарихи фанининг аҳамияти беқиёсдир. Президентимиз Исом Каримов таъкидлаганларидек фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари қилиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этади. Шу боис Ватан тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Боғчалардан тортиб олий ўқув yurtларигача бўлган таълим-тарбия тизимида мазкур фанни ўқитиш муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоқда. Шундай экан, Ватан тарихи бўйича кенг китобхон-ўқувчилар оммасига мўлжалланган илмий-оммавий адабиётларни кўпроқ нашр этиш мақсадга мувофиқдир.

Андижондаги “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси раҳбари, шахсан проф. Р.Т.Шамсутдинов ва унинг аъзолари сўнгги 10 йил ичида Украина, Шимолий Кавказ, Москва, Шимолий Қозоғистон, шунингдек, Ўзбекистоннинг ўзида қатағон қилинганларни излаб топиб, уларнинг номларини аниқлаш, абадийлаштириш ва бу маълумотларни ўзбек халқига етказишга муваффақ бўлдилар. Бунинг оқибатида ўнлаб монография, китоблар яратилди ва яратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Репрессия: 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск №1. Тузувчилар Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю. отв. ред. Н.Ф.Каримов. – Т.: Шарқ, 2005, - 285 с.
4. Шамсутдинов Р. ва бошқалар. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. –Т.: Шарқ, 2006.
5. Р.Т.Шамсутдинов, Б.Расулов. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивания, ссылка. 1929-1955гг. Документы и материалы. Том I-III. –Т.: Шарқ, 2006.
6. Шамсутдинов Р.Т. Катта террор айбдорлари ҳақида янгича талқинлар. - Андижон, 2007.
7. Шамсутдинов Рустамбек. Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август-5ноябрь). Иккинчи китоб. –Т.: Шарқ, 2007.
8. “Репрессия” 1937-38гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь. Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Юсупов Э, Мамажонов А, Дўсматов Э. – Т.: Шарқ, 2007.
9. Репрессия 1937-38гг. Документы и :материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь. Тузувчилар: Шамсутдинов Р.Т., Абдуллаев М.,

Дўсматов Э.П., Курбанов Х.Р. –Т.: Шарқ, 2008.

10. Б.Расулов, Қ.Бозоров, Х.Қурбонов. Илмга бахшида умр (проф. Р.Т.Шамсутдинов асарлари библиографияси). – Т.: Шарқ, 2009.